

Ноябрь
ОЙ МАВЗУСИ: “ТРАНСПОРТ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ. ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ САБОҚЛАРИ”

Гуруҳ		_____ катта гуруҳи
Мавзу		Сув, ҳаво, ер усти транспорти
Давр		Ноябрь ойининг 1 ҳафтаси
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Соғлом ҳаёт тарзини юритишда шахс хусусиятларини ривожлантириш, ҳавфли вазиятларда хавфсизликни таъминлаш.
	Ижтимоий – ҳиссий ривожланиш	Кундалик ҳаётда муносабатларни шакллантириш. Бир – бирига ижобий муносабатни шакллантириш. Ўзaro тушунча, ҳамкорлик, дўстона муносабат кўникмаларини шакллантириш.
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Транспорт турлари ҳақида тушунчаларини аниқлаш, шу билан бирга ушбу соҳага оид айрим касблар номи ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш. Болаларни янги сўзлар билан таништириш, луғатни бойитиш. Нутқий, мантиқий тафаккурини ривожлантириш.
	Билиш жараини ривожланиши	Маълум хавфни кўра билиш ўқувини эгаллаш ва бундай ҳолат юз берганда тўғри ҳаракатланишни билиш, индивидуал ҳимоя воситаларини қўллаш.
	Ижодий ривожланиш	Ҳамкорликдаги фаолиятга ижобий муносабатни шакллантириш, ритм ҳиссини, мусиқани ҳис этиш фазилатини, ҳаракатларда ритмик ифодалилиқни тарбиялаш

		Ўқув-тарбиявий фаолият					
Ривожланиш марказлари		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, изох
Фронтал машғулотлар							
Мустақил таълим фаолияти	Қуриш – яшаш ва математика	Конструктор, легодан “Гараж” қурамыз.	Конструктордан “Машина” йиғамиз	Конструктордан “Вертолёт” йиғамиз	Конструктордан “Кема” йиғамиз	“Транспорт” мавзусида пазл ва сонли кесма расмлар йиғамиз.	конструктор, кубиклар, лего
	Сюжетли – ролли ўйинлар ва драммалаштириш	«Автобус» (йўловчилар, хайдовчи, ниптачи)			«Йўл кўрсатувчи»		маскалар, белгилар, атрибутлар
	Нутқ ва тил	Транспорт турларини фарқлаймиз	Хайдовчи касби ҳақида суҳбат	Шеърлар, топшимоқлар. Ўйин: “Ғаройиб йўл белгиси”	Гил ўрганамиз Компьютер «Билоғон»	Носов «Автомобиль»	Компьютер «Билоғон», компьютер, АКТ
	Фан ва табиат маркази	Қувватни алмаштирамиз		Ҳаво маркази “Эко тарбия”			батарейка
	Санъат маркази	“Менинг сеvimли машинам” расм чизиш		Ҳаммо билан ишлаш: транспорт турлари бўйича ёпиштириш.		Ихтиёрий табиий матираллар билан	ватман, рангли қоғоз, табиий материал

**ОЙ МАВЗУСИ: “ТРАНСПОРТ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ. ХАЁТ
ХАВФСИЗЛИГИ САБОҚЛАРИ”
1 ҳафта. “Ҳаво, сув, ер транспорти”**

Қуриш, яшаш маркази

“Гараж” курамиз

Мақсад: конструктордан, легодан ихтиёрий гараж куради, гаражнинг зарурияти ҳақида гапириб беради, турли хил рангларни танлайди ва шаклларни билади. .

Жиҳоз ва материаллар: конструктор, леги.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гараж расмини кузатиш.
2. Болалар билан “Гараж” курилишини режалаштириш.
3. Гараж куриш.
4. Курилган гаражни намоиш қилиш.

Қўшимча: Тарбиячи болаларга ўз ишларини машиналар билан бойитишни тавсия қилиши мумкин..

Нималарга этибор қаратилади:

Болаларнинг жамоа бўлиб ишлаш укувиға.

Гаражнинг ҳавфсизлиги ва кўп тармоқлилигига эътибор қаратиш.

Тасаввур ва ижодиётни ривожлантириш.

ХХС.

Сюжетли-ролли ўйин ва саҳналаштириш маркази

«Автобус»

Мақсад: Хайдовчи ва чиптачи иши ҳақида тушунчага эға, болада хайдовчи ва йўловчилар ўртасидаги шахслааро муносабат шаклланган, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилади, транспорт хайдовчисига ҳурмат билан қарайди..

Жиҳоз ва материаллар: кўкрак йўл белгилари, светафор макети, пиёдалар йўлаги, йўл белгилари трафарети.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Хайдовчилар”, “Автобуста кетаяпмиз” расмларини кузатиш.
2. Автобус бекатига экскурсия. Хайдовчи ишини кузатиш..
3. Ўйналган ўйин бўйича суҳбат.

Қўшимча: Ўйин орқали болалар жамоат транспортда тўғри юришни машқ қиладилар.

Нималарга этибор қаратилади:

Ўйин жараёнида болаларнинг бирлашиши, ролларни бўлишишига.

Йўлдаги белгиларга эътиборни ривожлантириш.

Хаёт ҳавсизлиги қоидалари.

Тил ва нутқ маркази

Мавзу «Учади, сузади, юради»

Мақсад: турли хил транспортларни фарқлайди ва номлайди, транспорт гуруҳларга бўлиниши ҳақида тушунчага эға, янги тушунчалар билан луғатини бойитади ва ички нутқини фаоллаштиради. Хикоя қилишда боғланган нутқини ривожлантиради, вақт ва фазода мўлжал олади; мардлик, топоғонлик, дўстга ёрдам бериш ўкуви шаклланган.

Жиҳоз ва материаллар: барча транспорт турлари иллюстрацияси, презентация, байроқчалар (Кўк, ҳаво ранг, жигарранг).

Фаолиятнинг бориши.

- 1) Турли хил транспорт турлари иллюстрациясини кузатиш;
- 2) Расмдаги вазиятларни тавсифлайди ;
- 3) Транспорт турларини фарқлаш.

Қўшимча: ўйин ўтказиш учун тарбиячи макет тайёрлаш мумкин. (қалин картон қоғозда осмон, сув, йўл ифодаланган ва турли хил транспорт тури тасвирланган карточкалар).
Нималарга эътибор қаратилади:

Агар бола тўлиқ жавоб бера олмаса, ёрдамчи сўзлар ва саволлар билан ёрдам бериш.
Транспорт турларини фарқлашни билиш.
Кузатувчанликни шакллантириш.
Нутқ ўстатириш.

Фан ва табиат маркази

«Қувватлантиргични алмаштирамиз»

Мақсад: батареянинг ишлаши ва уларнинг турлари ҳақида гапириб беради.

Жиҳоз ва материаллар: ўйинчоқлар, отвертка, батарейкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинчоқ хусусиятларини кўриб чиқиш;
2. Отвертка билан тўғри фойдаланишини машқ қилиш.
3. Батареяларни тўғри жойлантиришни машқ қилдириш.
4. Бажарилган ишнинг тўғрилигини текшириш.

Қўшимча: Тарбиячи болаларга алмаштирилган батарейкаларни текшириб кўришни тавсия қилади.

Нимага аҳамият бериш лозим:

Батареяларни ташлаб юбориш қоидалари (экологик тарбия).

“Хаёт хавсизлиги қоидалари”

Ижодий марказ

Расм “Менинг севимли машинам”

Мақсад: қўл моторикаси, тасаввури ривожланган, мавжуд воситалар ёрдамида расм чизишни билади, ўз расмини тасвирлаб беради.

Жиҳозлар ва материаллар: машиналар расми тўплами, қоғоз, бўёқ, гуаш, сув учун идиш, табиий материаллар (пахта, қулоқ тозалагич, пахтали тампон) ноанъанавий расм чизиш учун.

Фаолиятнинг бориши:

Мавзу асосида расмларни томоша қилиш.

Ноанъанавий расм чизиш техникаси билан таништириш.

Табиий материаллардан машина расмининг чизмаларини чизиш.

Болалар билан ўйлаб топган расмини чизиш.

Болаларнинг тайёр расмларини муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: Мавзу асосида шеър ёки қўшиқ айтиб беришни тавсия қилиш, кўргазма ташкил қилиш.

Нимага эътибор қаратиш керак:

Гигиеник меъёрларга амал қилиш ва тартибли ишлаш узуви.

Мушиқа ва ритмика маркази

“Транспорт товушларини тинглаш”

Мақсад: Эшитув гидроки ривожланган, транспорт товушларини фарқлаши ва тасвирлаши мумкин.

Жиҳозлар ва материаллар: транспорт товушлари аудиоёзуви, қулоқчинлар, предметли расмлар, ўргатувчи мультфильмлар.

Фаолиятнинг бориши:

Турли транспорт товушларини тинглаш.

Мос келувчи тасвирни танлаш.

Таълим берувчи мультфильмни кўриш.

Қўшимча: Тарбиячи болалар эшитган товушларни такрорлаб беришларни тавсия этиши мумкин (паст баланд).

Нимага эътибор қаратиш керак:

1. Тарбиячи болаларнинг бир бирларига хурмат билан қарашига эътибор беради.

Қуриш, яшаш маркази

Конструктордан “Машина” ясаймиз.

Мақсад: конструктордан ихтиёрий машина ясайди, машинанинг асосий қисмларини билади, турли рангларни танлайди, шаклларни билади.

Жиҳоз ва материаллар: конструктор, геометрик шакллар, лего шакллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Транспорт мавзусидаги расмларни қўриш
2. Машина қуришни болалар билан режалаштириш.
3. Болалар билан машина қуриш.
4. Асосий қисимларини ишлатилишини номлаш.

Қўшимча: Тарбиячи транспорт турига қараб қўшимчалар қўишини, ўйнаб беришни тавсия қилиши мумкин (юк хайдовчи).

Нималарга эътибор қилиш керак:

Майда предметлар билан ишлаш укуви.

Тасаввурини ривожлантириш.

Тил ва нутқ маркази

Мавзу «Хайдовчи касби ҳақида» суҳбат.

Мақсад: Боғланган нутқ, хотирани ривожлантириши, луғатни байитиш.

Жиҳоз ва материаллар: предметли ва сюжетли расмлар.

Фаолиятнинг бориши.

1. иллюстрацияларни кузатиш.:
2. Ўйин қондасини тарбиячи тушунтиради: бошловчи карточкада расмлар кўрсатади, болалар бир маротаба чапак чаладилар, агар расм “Светофорга” оид бўлса икки марта чапак чаладилар, агар расм йўловчига оид бўлса.
3. Хар бир сўзнинг маносини тушунтириш.
4. Қуйдаги сўзлар билан хикоя тузиш: тонг, нонушта, боғчага олиб борадиган йўл, йўлак, нонвойхона, дорихона, чорраҳа, ер усти ўтиш йўли, светофор, болалар боғчаси.

Қўшимча: тарбиячи нафақат мавзу бўйича сўзларни мустаҳкамлайди, балки болаларни жамоат жойларида ўзини тутиши қондалари: йўл ҳақини тўлаш, катталарга жой бериш ва шукабиларни ҳам мустаҳкамлайди.

Нимага аҳамият бериш лозим:

Сўзларни тўғри талаффуз қилиши.

Тасаввурни ривожлантириши.

Қуриш, яшаш маркази

Конструктордан “Верталет” ясаймиз.

Мақсад: конструктордан ихтиёрий верталет ясайди, верталётнинг асосий қисмларини билади, турли рангларни танлайди, шаклларни билади.

Жиҳоз ва материаллар: конструктор, геометрик шакллар, лего шакллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Хаво транспорт мавзусидаги расмларни қўриш
2. Верталет қуришни болалар билан режалаштириш.
3. Болалар билан верталет қуриш.
4. Асосий қисимларини ишлатилишини номлаш.

Қўшимча: Тарбиячи транспорт турига қараб қўшимчалар қўишини, ўйнаб беришни тавсия қилиши мумкин.

Нималарга эътибор қилиш керак:

Майда предметлар билан ишлаш укуви.

Тасаввурини ривожлантириш.

Нутқ ва тил маркази

Шеърлар, топишмоқлар. “Ўйин ғаройиб йўл белгиси”

Мақсад: Йўл белгилари ва йўл ҳаракати қоидалари ҳақида билади, номлайди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли объектлар, кўчалар, маҳаллалар ва боғлар тасвирланган расмлар ва ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли хил кўргазмали материаллар, слайдлар тайёрлаш.
 2. Топишмоқлар топиш.
 3. Шеърларни тинглаш.
 4. Кўргазмали материаллар, слайдлар билан ишлаш.
- Луғат бойлигини таҳлил қилиш ва фаоллаштириш

Кўшимча қисм: Тарбиячи кўшимча равишда кўчада ўзини тутиши, маълум манзилда мўлжал олишга, асосий бино ва кўчаларнинг номини билишига ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати:

Мантикий тафаккурини ривожлантириш.

Таҳлил қилиш ва умумлаштиришни билиши.

Фан ва табиат маркази

Ҳаво маркази (экологик тарбия)

Мақсад: Ҳавонинг ажойиб хусусиятлари билан танишиш. Ҳаво инсонни ўраб турувчи муҳим объектлардан биридир. Ҳавосиз ҳар қандай жонли организм мавжуд бўла олмайди. Турли газлар, олов сабабли ҳаво ифлосланиши мумкин, аммо ифлосланган ҳаво ўсимликлар сабаб тозаланиши мумкинлигини тушунади.

Жиҳоз ва материаллар: бўш стакан, салфетка, сув.

Фаолиятнинг бориши:

1. Бўш стакан оламиз, тагига салфетка ёпиштирамиз ва бу стаканни тескари ўгириб сувга туширамиз;
2. Стакан сув билан тўлади;
3. Ичидаги салфетка қуруқлигича қолади;
4. Стакан ичида ҳаво борлиги учун салфетка қуруқлигича қолган;
5. Тажрибани муҳокама қилиш;
6. Болалар билан ўтилган тажрибадан ҳулоса чиқариш;
7. Боғча участкасидла болалар билан дарахт ўтқазиш;

Кўшимча қисм: Тарбиячи ўсимликларни парваришлаш қоидалари ҳақида гапириб беради ва экилган ўсимликларни парвариш қилиш бўйича навбатчилар тайинлайди.

Эътиборга молик жиҳати:

Тажрибалар ўтқазиши укуви ва ҳаёт ҳавсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Санъат маркази

Жамоат иши: аппликация: транспорт турлари

Мақсад: майта қўл моторикасини, тасаввурини ривожлантириш, эстетик безатиш, жамоа билан ишлашни билади. Ўзининг ижодини чиройли безатади.

Жиҳоз ва материаллар: рангли картонлар, қоғоз, елим, степлер, рамкалар.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. “Транспорт” мавзусида расмларни кўздан кечириш.
2. Тасвирий санъат фаолияти ноанъанавий техникаси билан танишиш.
3. Расм танлаш.
4. Болалар билан мавзу асосида аппликация ишини бажариш.
5. Болалар тайёр расмларни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга аппликацияни безатиш, мавзуга оид шеър ёки қўшиқ куйлашни таклиф қилиши, кўргазма ташкил этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Тартибли ва гигиеник талабларга мос ишлашга ўргатиш.
2. Тасаввури ва майда қўл моторикасини ривожлантириш.
3. Ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари.

Қуриш, яшаш маркази

Конструктордан “Кема” ясаймиз.

Мақсад: конструктордан ихтиёрий кема ясайди, кеманинг асосий қисмларини билади, турли рангларни танлайди, шаклларни билади.

Жиҳоз ва материаллар: конструктор, геометрик шакллар, лего шакллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сув транспорти мавзусидаги расмларни кўриш
2. Кема қуришни болалар билан режалаштириш.
3. Болалар билан кема қуриш.
4. Асосий қисмларини ишлатилишини номлаш.

Қўшимча: Тарбиячи транспорт турига қараб қўшимчалар қўшишни, ўйнаб беришни тавсия қилиши мумкин.

Нималарга эътибор қилиш керак:

Майда предметлар билан ишлаш укуви.

Тасаввурини ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйин ва драматизация маркази

«Йўналтирувчи»

Мақсад: йўналтирувчи фаолияти ҳақида маълумотга эга, болада ҳайдовчи ва йўналтирувчи орасидаги шахслараро муносабатларни шаклланган, йўл ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қила олади, транспорт ҳайдовчиси ва йўналтирувчига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Жиҳоз ва материаллар: йўналтирувчи кийими, унга мос аксессуарлар, машина, руль, қаҳрамонлар ҳужжатлари муляжи.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. Ҳаракат йўналиши ва йўналтирувчи билан учрашув жойини режалаштириш;
2. “Йўналтирувчи” сюжетли-ролли ўйинини ўйнаш;
3. Ўйналган ўйин бўйича суҳбат.

Кўшимча қисм: Болалар ўйин фаолияти орқали светофор бўлмаган жойларда “ҳавфсизлик оролларида” фойдаланиб ҳаракатни ва йўлни бошқаришни (регулировка қилишни) машқ қиладилар.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Болаларнинг йўналтирувчи билан мулоқот қилиш кўникмасини шаклланиши;
2. Йўл белгиларига эътиборли бўлишни ривожлантириш;
3. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари.

Тил ва нутқ маркази

«Билағон» компютерида тил ўрганамиз.

Мақсад: “Билағон” компютери ердамида хорижий сўзларни эслаб қолиш уқувини намоиш этиш. Топшириқларни кетма – кет бажаради, предметларни номлайди ва фарқлайди, мониторда расм ёрдамида уларни фарқлайди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Компютер “Билағон”.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. Компютер билан ишлаш.
2. Компютер учун муҳим карточкаларни тайёрлаш.

Кўшимча қисм: Компютердан фойдаланиш қоидаларини тарбияланувчиларга ўргатиш.

Эътибор бериш керак:

1. Дикқат, эшитув идроки, хотира, тафаккур, майда моторикасини ривожлантириш.
2. Таҳлил қилиш ва умумлаштиришни билиш.

Қуриш-яаш, конструкторлаш ва математика маркази

Мавзу асосида пазл терамиз: “Транспорт” сонли қирқма расмлар.

Мақсад: таклиф қилинган материаллардан транспорт яаш, машина ёки транспортнинг вазифаси ҳақида сўзлаб беради, турли ранг ва шаклларни билади ва фарқлайди.

Жиҳоз ва материаллар: пазллар, сонли кесма расмлар.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. Транспорт тасвирланган расмларни қўриш ва кузатиш;
2. Болалар билан машина-транспортини яашни режалаштириш;
3. Транспортни яаш-қуриш;
4. Ясалган транспортни тақдимотини амалга ошириш;
5. Болалар томонидан ясалган ишларни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш;
6. Ишлатилган материалларни миқдорини санаш ва шакллари бўйича ажратиш.

Кўшимча қисм: Тарбиячи болаларга ўзи томонидан ясалган транспортни майда деталлар-ўйинчоқлар (қўғирчоқ ҳайдовчи ёки йўловчи, байроқчалар ва х.к.) билан тўлдиришни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Болаларни жамоада ишлаш кўникмасининг шаклланганлиги;
2. Транспортнинг ҳавфсизлиги ва вазифасига мослигига эътиборни қаратиш;
3. Тасаввурлари ва ижодкорлигининг ривожлантириш;

4. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари.

Тил ва нутқ маркази

Носов “Автомобил”

Мақсад: бадий адабиётга қизиқишини уйғотиш, асар мазмунини гапириб бериши ва маъносини тушунтиради.

Жиҳоз ва материаллар: асарга оид расмлар.

Фаолиятнинг бориши.

1. Асар мазмунига мос равишда сюжетли расмлар сериясини кетма-кет териб бериш.
2. Сюжетли расмлар асосида Носовнинг “Автомобил” хикоясини сўзлаб бериш.
3. Саҳналаштириш ва ўйнаб бериш.

Қўшимча: тарбиячи томонидан асарни ўқиб бериш, мазмуни ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати:

Боғланган нутқ, хотира, тафаккурини ривожлантириш.

Ифодали гапириб беришга ўргатиш.

Санъат маркази

Табиат материалларидан аппликация: транспорт турлари

Мақсад: майта қўл моторикасини, тасаввурини ривожлантириш, эстетик безатиш, аппликацияда табиат материалларини уйғунлаштиришни билади. Ўзининг ижодини чиройли безатади.

Жиҳоз ва материаллар: табиат материаллари, рангли картонлар, қоғоз, елим, степлер, рамкалар.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. “Транспорт” мавзусида расмларни кўздан кечириш.
2. Тасвирий санъат фаолияти ноанъанавий техникаси билан танишиш.
3. Расм ва табиат материалларини танлаш.
4. Болалар билан мавзу асосида аппликация ишини бажариш.
5. Болалар тайёр расмларни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга аппликацияни безатиш, мавзуга оид шеър ёки қўшиқ куйлашни таклиф қилиши, кўргазма ташкил этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Тартибли ва гигиеник талабларга мос ишлашга ўргатиш.
2. Тасаввури ва майда қўл моторикасини ривожлантириш.
3. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари.